

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

## **279** Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 19 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1850-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ–4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 19 июлдаги 16/2-сон қарори (рўйхат рақами 1850, 2008 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 35-36-сон, 359-модда) билан тасдиқланган Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси в. в. б.**

**С. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 18 март,  
6/5-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил  
18 мартдаги 6/5-сон қарорига  
ИЛОВА

**Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий  
валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби  
тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:  
**«якка тартибдаги тадбиркор банк картасининг сақловчиси —**  
эмитент билан шартнома асосида банк картасидан фойдаланувчи якка тар-  
тибдаги тадбиркор;».
2. 6-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:  
«6. Якка тартибдаги тадбиркор банк карталаридан ишлаб чиқариш, сав-  
до, хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш фаолияти билан боғлиқ бўлган,  
шунингдек бошқа ҳар қандай харажатлар учун тўловларни амалга ошири-  
ши мумкин.».
3. 8-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.
4. 9-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:  
«9. Якка тартибдаги тадбиркор банк карталаридан ишлаб чиқариш, сав-  
до, хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш фаолияти билан боғлиқ бўлган,  
шунингдек бошқа ҳар қандай харажатлар учун тўловларни амалга оширган-  
да тегишли тўловни терминал орқали қабул қилган хизматчининг имзоси  
ва «тўланди» муҳри қўйилган счётлар, квитанциялар, банкомат, инфокиоск  
ва терминал квитанциялари (слип, терминалнинг электрон ҳужжати) ҳамда  
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳужжатлар ҳисобот ҳужжатлари бўлиб  
хизмат қилади.».
5. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўми-  
таси ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан келишилган.

*Давлат солиқ  
қўмитаси раиси*

**Б. ПАРПИЕВ**

*2017 йил 18 март*

*Ўзбекистон банклари  
ассоциацияси Бош директори*

**С. АБДУЛЛАЕВ**

*2017 йил 18 март*